

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Оҳангарон “Саховат” кексалар
ва ногиронлиги бўлган шахслар
учун интернат уйи директори**

К.А.Уразов

2022 йил



Оҳангарон “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйида яшовчи васийликка олинганларга иссиқ озиқ-овқат етказиб бериш аутсорсинг хизмати юзасидан энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари.

Тошкент-2022 йил

МУНДАРИЖА

- I Боб. Ичширокчига кўрсатма**
- II Боб. Танлашнинг таклиф шакллари**
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар (Хизматлар) га нарх ва техник таълаблар**
- IV Боб. Тижорат қизми**
- V Боб. Шартнома шакли**

I БОБ. ИШТИРОКЧИГА КЎРСАТМА

A. Умумий маълумот

Танлаш предмети

Маскур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Танлаш комиссиясининг вазифалари

Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари

Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

B. Танлаш ҳужжатлар.

Танлаш ҳужжатининг таркиби

Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш

Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

B. Танлаш ҳужжатларини таёрланиши

Танлашда қатнашиш харажатлари

Танлашда қўлланиладиган тил

Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

Таклиф шакли ва нарх шакллари бўйича тушунтириш

Муқобил таклифлар

Танлаш таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

G. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларини аниқлаш тартиби.

Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларини аниқлаш тартиби.

Таклифларини мос келмаслиги

D. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш

Тўлов шартлари

Шартномани имзолаш

II БОБ. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлаш предмети

Танлаш комиссияси ўз фолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил 10 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсининг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига асосан амалга оширади.

Танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйдагилар:

Танлашни ўтказиш онлайн усулда бўлиб маблағ манбаси: Бюджетнинг ғазначиликдаги тегишли шахсий ўтказиш ғазна ҳисоб вароғидаги маблағларида ажратилган Оҳангарон “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи васийликка олинганларга иссиқ озиқ-овқат етказиб бериш аутсорсинг хизмати юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш кўзда тутилган.

2. Тўлов шартлар: шартнома кучга кирганидан сўнг 30% миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилади ва тавар етказиб берилганидан (иш бажарилганидан хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 70% тўлаб берилади. Тавар (иш хизмат) нархи учун жавобгарлик давлат бюрмачисининг зиммасида бўлади.

Танлашга қўйилган таварнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи кўшилган қиймат солиғи билан. Ишлар танлаш ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

2. Маскур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар.

Маблағ манбаси бюджетнинг ғазначиликдаги тегишли шахсий ғазна ҳисоб вароғидаги маблағлари ҳисобидан Оҳангарон “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйининг иссиқ озиқ-овқат етказиб бериш аутсорсининг хизмати юзасидан энг яхши таклифларни танлаш бўйича етказиб Берувчи ташкилотни аниқлаш бўйича танлаш (кейинги ўринларда-Танлаш) ўтказишдан мақсад-маскур танлаш ҳужжатлари талаблари асосида харид объектини етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Бюрмачи- Оҳангарон “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи.

Манзил: Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар Шифокорлар кўчаси-92 уй

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун маъсул шахс _____ харид комиссияси котиби _____

Тел: _____

3. Танлаш комиссисининг вазифалари:

- танлаш ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди:
- белгиланган тартибда танлашни ўтказиш:
- танлаш талабларига талукли барча ҳужжатларни тақдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш:
- танлаш ўтказиш санасини белгилаш.
- билдирилган таклифларнинг (тақдим этилган ҳужжатларининг тўлиқлиги уларнинг расмийлаштирилиши ва х.к) мувофиқлигини текширади:
- Талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларининг кўриб чиқишда нархларнинг суний равишда оширилишини олдини олиш ва ҳолисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатий риоя қилиш:

-зарур холларда комиссия фаолиятига мутахасис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;

-ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Танлашнинг ташкилотчиси – харид комиссияси котиби. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

-танлаш хужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

-танлаш ўтказилиши тўғрисида Республика тавар хом ашиё биржасининг <https://etender.uzex.uz> порталида эълон беради.

-Тижорат таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4.Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлаш комиссиясининг вазифалари.

-иштирокчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий хужжатларини ва нарх таклифларини ўрганати, тахил қилади ва кўриб чиқади.

- энг яхши танлаш нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Иштирокчи—мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлаш талабларида кўрсатилган таварларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Иштирокчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарлигини ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

-тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамаганча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган талаблар.

5.1 Иштирокчилар қуйдаги мезонларга муофиқ бўлиши керак:

-юримдик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтилганлиги;

-шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

-шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

-камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларига эга бўлиши;

-ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб – таомилларининг мавжуд эмаслиги;

-инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

-танловда қатнашувчи корхона низомида озик-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш ҳамда аутсорсинг хизмати бўйича ошхона хизматини ташкил этиш алоҳида кўрсатилган бўлиши керак.

-давогар аутсорсинг хизмати шу йўналишда беморлар учун иссиқ озик-овқат етказиб бериш фаолиятини олиб борганлиги ҳамда тажрибага эга бўлиши керак.

-малакали ходимлар бўлиши шарт, ошпазлар ҳақида (диплом, разряд, сертификат, тиббий кўрикдан ўтганлиги, ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида буйрқдан кўчирма) маълумот.

-танлов иштирокчисининг хизмат кўрсатиш жараёнида жорий таъмирлаш ишларини амалга оширилиши бўйича инвестицион дастур.

- Тиббиёт бирлашмаси ошхонасида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароит яратиш бўйича инвестицион лойха таклиф.

-тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлаш талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияси, агар лицензияланадиган фаолият турига кирадиган бўлса.

- Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлаш элон қилингандан сўнг олинган бўлиши ва асосий бенифициар мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши шарт.

-иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси таклифларни танлаш бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

-озиқ-овқат ва айрим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши мавжудлиги ҳамда инвестиция киритиш ҳолатлари иштирокчига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10- январдаги 16-сонли қарори талаблари бажарилиши бўйича устунлик ҳуқуқини беради.

Танлов талабгори тақдим этилаётган маълумот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади. Танлов юқоридаги талаблар асосида балл усулида ўтказилади, энг паст нарх тақдим қилиш иштирокчиларга ғолиб деб баҳолаш имкониятини бермайди. Конкурс иштирокчисини 1-10 гача балл қўйиб баҳоланади. Юқори балл тўплаган давогар танлов ғолиби ҳисобланати.

ИЗОХ: Лозим топилганда комиссия иштирокчилари тамонидан танлов иштирокчиларини молиявий ҳолатини ва иш фаолиятини ўрганиб чиқади.

5.2 Иштирокчи танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.3 Танлашда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлаш ғолиби- таклифларни баҳолаш яқунлари бўйича танлашда энг яхши таклифни таклиф қилган танлаш иштирокчиси. **Захирадаги иштирокчи-** танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган энг яхши таклифни таклиф қилган иштирокчи.

5.5 Танлашга қуйдаги иштирокчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;

- инсофсиз ижарачиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий аператцияларини (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;

-аввал имзоланган шарномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйдаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишидан четлаштиради, агар:

иштирокчи бевосита ёки билвосита миқознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсни ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қиммат баҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги – ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;

-иштирокчи қонунга ҳилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш.

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари тамонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда

танлаш тариб қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларига маълум қилинмайди. Танлаш комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

III. БОБ. ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ

7. Танлаш ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлаш иштирокчиси унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакиллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўллик ўрганиб чиқишлари шарт.

7.2. Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўллик тўғри келмаслиги, таклифининг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш.

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлаш комитссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлаш комитссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбаасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча иштирокчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволига ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлаш комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга кузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

IV. БОБ. ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танлашда қатнашиш харажатлари

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иштирокчининг маблағлари тамонидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта –сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи (таклиф)га барча харажатлар, яъни соғлиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Иштирокчи тамонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш(хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охрига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музлкоралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутивчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси тамонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Танлашда қўлланиладиган тил.

11.1. Иштирокчилар тамонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча хужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Муқобил таклифлари

12.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишда берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

13. Танлаш таклифларини топширишининг охириги муддати

13.1. Иштирокчиларининг танлаш таклифлари электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кундан кечикмасдан электрон жойлаштирилади (шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади).

V. БОБ. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

14. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш.

14.1. Танлаш комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий молиявий ва тижорат жихатидан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари тамонида амалга оширилади.

14.2. Танлаш таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

-техник, ташкилий молиявий;

- тижорат.

14.2.1. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида танлаш комиссияси танлаш иштирокчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушинтиришлар беришини сўраши мумкин.

14.2.2. Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари тамонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

14.3. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларини баҳолаш мезони асосида аниқланади.

14.4. Танлаш таклифларини қараб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди

15. Таклифларнинг мос келмаслигига

15.1. Таклифларни баҳолашда, тавар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, тавар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

15.2. Танлаш қуйдаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлаш таклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса:

барча танлаш таклифлари танлаш хужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса.

барча танлаш таклифларида танлаш хужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган хужжатлар мавжуд бўлмаса

барча иштирокчиларнинг таклиф этган нархлари таварнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса.

15.3 Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш иштирокчиларидан бирон-бирининг мулкый ёки бошқа жоваобгарлигига олиб келмайди.

VI БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ

Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

- 1.1 Хизмат кўрсатувчи ташкилолар таълаб қилинган махсулотлар учун нархларни ўзларининг ички имкониятлардан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисимлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлиқ қопланади.
- 1.2 Махсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлаш, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар кўшилиши лозим.
- 1.3 Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкун эмас.
- 1.4 Қайси босқичда бўлмасин баҳони кўтариши йўналтирилган танлаш таклифлари танлаш савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

2. Танлаш валютаси

2.1 Танлаш таклифлари сўмда (*мисол учун: Ўзбекистон Республикаси Миллий валютаси сўмда*) тақдим этилади.

3. Етказиб бериш шартлари ва муддати.

3.1 Махсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати 10 кун деб белгиланади.

4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали.

4.1 Олдиндан тўлов қонун хужжатларида кўрсатилган тартибда амалга оширилади .

5. Шартномани молиялаштириш манбаи

5.1 Бюджет маблағлари ҳисобидан Махсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик хужжатлари-Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кўдекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мос бўлиши лозим.